


## Аллоҳ таолонинг валий бандаларидан бўлишимизга сабаб бўлувчи 10 та амал



11:00 / 01.02.2021 2379

### Еттинчи амал

Аллоҳ таолонинг ҳузурда қалбнинг бутунлай синиқ ҳолда туришидир.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

**«Роббингиз: «Менга дуо қилинг, сизга ижобат қилурман. Албатта, Менинг ибодатимдан кибр қилганлар жаҳаннамга хору зор ҳолларида кирурлар», - деди». (Ғофир сураси, 60-оят)**

Банда ибодат қилиш учун турар экан, қалбидан кибр, манманлик, ҳасад, ужуб каби иллатларни юлиб ташлаши, қуллигини, тупроқдан яратилганини, агар Аллоҳ таоло Ўзи ёрдам бермаса, ибодатга ҳам қодир бўла олмаслигини ҳис қилиб, синиқлик, хорлик ҳолида туриши керак. Ҳар қанча пули кўп, мансабдор, обрўли киши бўлмасин, бир қул эканини, ҳамма ҳолатларда Аллоҳга муҳтож эканини англаган ҳолда турмоғи керак.

Ибн Исҳоқ Абдуллоҳ ибн Абу Бакрдан ва Ҳоким Анасдан ривоят қилишича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Зу Тувога етиб келгач, уловларида ўтирган ҳолда Аллоҳ берган фатҳни кўриб, Аллоҳга тавозу

қилиб бошларини шу даражада эгдиларки, соқолларининг учи эгарнинг қошига тегай деди.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда Мусо алайҳиссаломнинг икки қизга қўйларини суғориб берганлари қиссасини баён қилганда, шундай деб марҳамат қилган:

**«Бас, икковларига суғориб берди. Сўнгра сояга қайтди ва: «Роббим, албатта, менга нозил қилажагинг ҳар бир яхшиликка муҳтожман», - деди»** (Қосос сураси, 24-оят).

Аллоҳ таоло бошқа оятларда бундай деб марҳамат қилган:

**«Йўқ! Инсон, албатта, туғёнга кетур... ўзини жуда бой кўргани учун»** (Алақ сураси, 6-7-оятлар).

Инсон пули кўпайганда, ўзини бой, беҳожат деб ўйламаслиги, босар-тусарини билмай қолмаслиги учун ҳам бандалигини, заиф махлуқлигини, бир томчи нутфадан яратилганини унутмаслиги керак.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қилиб: **«Ким Аллоҳ учун камтарлик қилса, Аллоҳ унинг мартабасини баланд қилиб қўяди»**, деганлар.

*Муслим ривояти.*

**Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади**